



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 9, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST
VOLUME 9, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2026

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ермегов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабалжанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети


Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети


1. Diloram Babajanova O‘ZBEKISTON XOTIN-QIZLARI:ILM-FAN DARG‘ALARI TARIXDA VA HOZIR.....	5
2. Nilufar Dalibayevna Djurayeva XOTIN-QIZLARGA MUNOSABAT MASALASIDA SOVETLAR SIYOSATI: MANBALAR TAHLILI VA TARIXSHUNOSLIK MASALALARI.....	13
3. Наргиза Абдурахманова ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА АБУЛ БАРАКОТ НАСАФИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	30
4. Шерзод Таштурсунович Бахранов ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНИНИ РИВОЖЛАНИШИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАРИ.....	37
5. Ixtiyor Voxodir o‘g‘li Voxodirov TURKISTON HARBIY OKRUGI TOMONIDAN 1916-YILGI JIZZAX QO‘ZG‘OLONING BOSTIRILISHI VA UNING OQIBATLARI.....	47
6. Наргиза Кенжаева ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ПРОСОПОГРАФИК МЕТОДНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ: ПОМИР РУС ТАДҚИҚОТЧИЛАРИНИНГ ЖАМОАВИЙ БИОГРАФИЯСИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	53
7. Lola Yusupovna Samatova IKKINCHI JAHON URUSHI DAVRIDAGI SOVET UCHUVCHI AYOLLAR BO‘LINMASI TO‘G‘RISIDA.....	66
8. Ismoil Alimbayevich Nurmetov O‘ZBEKISTONDA BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARINI (BRM) AMALGA OSHIRISH STRATEGIYASI.....	72
9. Malika Xaydarova Shaxriddin qizi AMIR TEMURNING JANGLARDAGI HARBIY MAHORATI.....	78
10. Feruza Erkinovna Atajanova OLIIY TA‘LIM SOHASIDAGI ISLOHOTLAR TENDENSIYALAR TAHLILI.....	83
11. Muborak Madrimovna Matyakubova XVI-XIX ASRLARDA XIVA XONLIGI BOZORLARIDA BOZORBOSHI, RAIS, MUHTASIB, SARROFLAR VA DALLOLLARNING FAOLIYATI VA HUQUQIY MAQOMI.....	89
12. Анварбек Муродович Омонов, Маъруфжон Нурулиевич Рўзиев КЎЛБУЛОҚ МАКОНИ ТОШ ИНДУСТРИЯСИНИНГ ТАҲЛИЛИГА ДОИР (ИЛК ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА).....	94



Наргиза Абдурахманова,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик
академияси тадқиқотчиси

ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА АБУЛ БАРАКОТ НАСАФИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

For citation: Nargiza Abdurakhmanova. THE STUDY OF THE WORKS OF ABUL-BARAKAT AN-NASAFI IN CONTEMPORARY RESEARCH. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 5.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20082762>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ханафий мактабининг забардаст фақиҳи, атоқли муфассир, машхур имом Ҳофизиддин Абул Баракот Насафийнинг асарлари дунёнинг кўплаб ўқув муассаса ва илмий тадқиқот марказлари, шунингдек, юртимиздаги олим ва муҳаққиқлар томонидан замонавий тадқиқотларда ўрганилиши ҳақида сўз юритилган. Алломанинг ақида, фикҳ ва тафсир соҳаларидаги мероси ҳозирги тадқиқотларда қандай ёритилаётгани кўриб чиқилиб, уларнинг келгуси илмий изланишлар учун муҳим экани ҳақида хулосалар тақдим этилган. Тадқиқот натижалари Насафий меросини чуқурроқ англаб, унинг илмий аҳамиятини янада очиқ беришга хизмат қилиши айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: аллома, фикҳ, усул, ақида, тафсир, манба, тадқиқот, мазҳаб, диссертация, мақола, мерос, таҳлил, шарҳ, изох.

Наргиза Абдурахманова,
исследователь Международной академии
исламоведения Узбекистана

ИЗУЧЕНИЕ ТРУДОВ АБУЛЬ БАРАКАТА АН-НАСАФИ В СОВРЕМЕННЫХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается изучение трудов выдающегося фақиҳа ханафитской школы, известного муфассира и авторитетного имама Хафиз ад-Дина Абуль Бараката ан-Насафи в современных научных исследованиях, проводимых в многочисленных образовательных учреждениях и научно-исследовательских центрах мира, а также учёными и исследователями нашей страны. Анализируется, каким образом в современных работах освещается наследие учёного в области акиды, фикха и тафсира, и делаются выводы о его значимости для будущих научных изысканий. Отмечается, что результаты исследования способствуют более глубокому осмыслению наследия ан-Насафи и дальнейшему раскрытию его научной ценности.

Ключевые слова: учёный, фикҳ, усуль, ақида, тафсир, источник, исследование, мазҳаб, диссертация, статья, наследие, анализ, комментарий, толкование.

Nargiza Abdurakhmanova,
Researcher at the International Academy
of Islamic Studies of Uzbekistan

THE STUDY OF THE WORKS OF ABUL-BARAKAT AN-NASAFI IN CONTEMPORARY RESEARCH

ABSTRACT

The article examines the study of the works of the prominent Hanafi jurist, renowned mufasssir, and distinguished imam, Hafiz ad-Din Abul-Barakat an-Nasafi, within contemporary scholarly research conducted at numerous educational institutions and research centers worldwide, as well as by scholars and researchers in our country. It analyzes how the scholar's legacy in the fields of 'aqidah, fiqh, and tafsir is addressed in modern studies and presents conclusions regarding its significance for future academic inquiries. The study highlights that its findings contribute to a deeper understanding of an-Nasafi's intellectual heritage and further reveal its scholarly importance.

Index Terms: scholar, fiqh, usul, 'aqidah, tafsir, source, research, madhhab, dissertation, article, heritage, analysis, commentary, interpretation.

Долзарблиги:

“Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади”[1].

Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарлари ҳисобланган Бухоро, Самарқанд, Хива каби Қашқадарё воҳасининг йирик шаҳри Насафда ҳам асрлар мобайнида улкан мерос яратган аждодларимиз яшаб ўтган. Ана шундай алломалардан бири Абул Баракот Насафий мufасссир, машҳур имом ва фикҳ илмининг билимдони ҳисобланади.

Абул Баракот Насафийнинг илмий мероси мазмун ва мавзу жиҳатидан хилма-хил бўлиб, у тафсир, ақида, ахлоқ ҳамда фикҳ илмига оид асарлар ёзган. Айниқса Насафий фикҳ илми ривожига беназир ҳисса қўшган олимлардан бири ҳисобланади. У усулу-л-фикҳ ҳамда фуруъ-л-фикҳ йўналишларида фаолият олиб борган. Олимнинг фикҳ соҳасига оид асарлари бошқа фикҳий китоблар орасида ўзига хос ўринга эга.

Олимлар унинг асарларини қисқа, фойдали ҳамда маъно жиҳатидан жуда кенг деб эътироф этадилар. Унинг айрим асарлари бугунги кунга қадар таълим масканларида дарслик сифатида ўқитилади.

Дунёнинг кўплаб ўқув муассаса ва илмий тадқиқот марказлари жамият маънавий ҳаётини ислоҳ қилиш, маърифий соҳани ривожлантириш ва халқ тафаккур оламини кенгайтиришга қаратилган илмий ишларни амалга оширмоқдалар.

Абул Баракот Насафий томонидан ёзилган асарлар ҳам ҳозирги давр олимлари томонидан ўрганилиб, тадқиқотлар қилинмоқда ва улардаги ёндашувлар таҳлил этилмоқда.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мавзу адабиётлар таҳлили методига асосланади. Шунга кўра, мавжуд адабиётларни икки гуруҳга туркумлаштириш имконияти пайдо бўлди. Биринчи гуруҳга чет эл тадқиқотлари, иккинчи гуруҳга маҳаллий тадқиқотлар киритилди. Биринчи гуруҳ тадқиқотчилариг Аҳмад Саъд ал-Ғомидий, Яҳё Алҳанаш Асирий, Ҳасан Увзар ва Муҳаммад Жаба, Абдуллоҳ Исмоил, Саид Бектош, Шамул Шаҳинлардан иборат. Иккинчи гуруҳга Махсудов Давронбек, Аҳмедов Сайқал, Мухтаров Бекзодбек, Абдуллоҳ Маллабоевлар киради.

Тадқиқот натижалари:

Макканинг Умму-л-қуро университетида Абул Баракот Насафий “ал-Мустасфо” асарининг “Ибодат” қисми тадқиқ қилинган. Мазкур докторлик иши Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Саъд ал-Ғомидий томонидан 2011 йилда ҳимоя қилинган[2].

Тадқиқот муқаддима, икки қисм ҳамда хотимадан ташкил топган. Муқаддима қисмида мавзунинг аҳамияти, уни ўрганишнинг сабаблари ҳамда тадқиқотнинг режаси мавжуд. Биринчи қисм эса бешта бўлимдан ташкил топган. Унда Имом Носируддин Самарқандий ҳаёти, унинг “ал-Фикҳу-н-нофеъ” асари, Ҳофизуддин Насафийнинг илмий фаолияти, тадқиқотда қўлланилган қўлёзма асарларнинг нусхалари ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Иккинчи қисмда ибодат таркиби бўлган таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж каби бўлимлар батафсил таҳқиқ қилинган. Хотима қисмида хулоса, фойдаланилган манбалар, иловалар ҳамда баъзи тавсиялар берилган. Тадқиқот 1122 саҳифадан иборат.

Тадқиқотнинг илова қисмида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд бўлиб, унда “ал-Мустасфо” асарининг “Ибодат” қисмида фойдаланилган Қуръони карим оятлари, ҳадиси шарифлар, саҳобаларнинг сўзлари, фикҳий қоидалар, мазҳаблар, шаҳар ва жой номлари, хайвонот ҳамда набототлар, ўлчов бирликлари келган ўринлар кўрсатиб ўтилган.

Макканинг Умму-л-қуро университетида Абул Баракот Насафий “ал-Мустасфо” асарининг “Савдо” бобидан китобнинг охири, яъни “Хунаса” бобигача бўлган қисми тадқиқ қилинган. Мазкур докторлик иши Яҳё ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Алҳанаш Асирий томонидан 2012 йилда ҳимоя қилинган [3].

Мазкур тадқиқот ҳам юқоридаги каби муқаддима, икки қисм ҳамда хотимадан ташкил топган. Муқаддима қисмида мавзунинг аҳамияти, уни ўрганишнинг сабаблари ҳамда тадқиқотнинг режаси берилган. Бу тадқиқотда ҳам биринчи қисм бешта бўлимдан ташкил топган. Биринчи ва иккинчи бўлимларда Имом Носируддин Самарқандий ҳаёти, унинг “ал-Фикҳу-н-нофеъ” асари ҳақида маълумот берилган бўлса, учинчи бўлимда Ҳофизуддин Насафийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ёритилган. Тўртинчи бўлимда “ал-Мустасфо” асари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Кейинги қисмда тадқиқотда қўлланилган қўлёзма асарларнинг нусхаларидан намуналар келтирилиб, савдо, ижаралар, музораба, рибо, сулҳ, иқрор, васиятлар, фароиз каби бўлимлар батафсил таҳқиқ қилинган. Хотима қисмида хулоса, фойдаланилган манбалар ҳамда баъзи тавсиялар берилиб, ўқувчига тушунарли бўлиши ва қулайлик яратиши мақсадида мавзунинг энг муҳим маълумотлари жадвал ҳолатида илова қилинган. Тадқиқот 1352 саҳифадан иборат.

2017 йил Туркиянинг Истанбул шаҳрида чоп этилган “ал-Мустасфо фи шарҳи-н-Нофеъ” асарининг 3 жилдли замонавий нашри салмоқли тадқиқотлардан ҳисобланади[4]. У Ҳасан Увзар ва Муҳаммад Жабалар томонидан таҳқиқ қилинган. Китоб “Иршод” босмахонасида нашр қилинган бўлиб, биринчи жилди – 575, иккинчи жилди – 568 ҳамда учинчи жилди 616 – саҳифадан иборат.

Тадқиқотнинг аҳамиятли томонларидан бири шундаки, унда муаллифлар “ал-Мустасфо” асарининг бешта қўлёзма нусхаларини солиштириш орқали асосий манбанинг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиб беришган. Тадқиқотда Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг “Лалели” фондида № 979, “Фотих” фондида № 1841, №1848, “Аё София” фондида № 1304, Коньядаги “Ёзма асарлар кутубхонаси” фондида № 2261 рақамлари остида сақланадиган қўлёзма нусхаларидан фойдаланилган.

Муқаддима қисмида “ал-Мустасфо” матни бўлган “ал-Фикҳу-н-нофеъ” асари, унинг муаллифи Носируддин Самарқандий ҳаёти ва илмий фаолияти, Абул Баракот Насафий яшаган давр сиёсий ва илмий муҳити, унинг устозу шогирдлари, олимларнинг унга берган таърифлари, тафсир, ақида, фикҳ ҳамда бошқа соҳадаги асарлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Шу билан бир қаторда, асарнинг аҳамияти, ақида, тафсир, ҳадис, фикҳ, наҳв, луғат соҳаларида фойдаланган манбалари, фикҳий атамалар, асардан фойдаланган кейинги давр олимлари, муаллифнинг шарҳлашдаги услублари батафсил баён этилган.

Тадқиқотчилар “ал-Мустасфо” асарининг асосий матнини таҳқиқ қилиш жараёнида қўлёзма нусхаларни солиштириш билан биргаликда, асарда фойдаланилган Қуръони карим оятларининг номи ва рақамлари, ҳадисларнинг саҳихлиги, ишора қилинган асарларнинг муаллифларини ҳам аниқ айтиб ўтганлар. Муаллифлар асар таҳқиқи мобайнида 130 дан ортиқ манбалардан фойдаланганлар.

2024 йил Ўзбекистон халқаро ислом академиясида Ахмедов Сайқал Абдурахмонович “Абу Баракот Насафийнинг Мовароуннахр ханафий фикҳи ривожига қўшган ҳиссаси (“ал-Вофий” асари асосида)” номли тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияни ҳимоя қилинган[5].

Тадқиқот таркиби кириш, учта боб, тўққизта банд, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

Тадқиқотда фуруъу-л-фикҳ илмини ўрганишдаги ёндашувлар таҳлил қилиниб, XIII аср Мовароуннахрда фикҳ илми ривожининг ўзига хос хусусиятлари, насафлик алломаларнинг фикҳий илмлар таракқиётига таъсири атрофлича ёритилган. Абул Баракот Насафийнинг мўғуллар ҳукмронлиги даврида диний илмлар ривожига ўрни ҳамда унинг фаолиятида фикҳ илмининг аҳамияти баён этилиб, фикҳий асарларидаги мавзулар ва услубий хусусиятлар таҳлил этилган. Шунингдек, “ал-Вофий” асаридаги мавзулар, манбада қўлланилган фикҳий қоидалар ёритилиб, Абул Баракот Насафий фикҳий қарашларининг замонавий ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти очиб берилган.

С.Ахмедов Насафийнинг “ал-Вофий” асарида тўрт мазҳабнинг етакчи олимлари исмларининг бош ҳарфлари қўллаш орқали фикҳий асарлар тизимига шартли қисқартмалардан фойдаланиш услубини олиб кирганини аниқлаган. Шунингдек, асарнинг боблари сўнгида турли масалалар – المسائل المتفرقة қисмини келтириб, мавзу юзасидан келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган эҳтимолий масалаларнинг шаръий жавоблари берилиши билан манбанинг ҳам тарихий, ҳам кейинги давр учун муҳим эканини асослаб берган.

2021 йил Мухтаров Бекзодбек Муроджон ўғли “Носируддин Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари ханафий фикҳига оид муҳим манба” номли тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияни ҳимоя қилган[6].

Диссертация таркиби кириш, учта боб, тўққизта банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Унинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

Тадқиқотда Мовароуннахрда ёзилган фикҳий асарларнинг ўзига хос услублари, Носируддин Самарқандийнинг Мовароуннахр илмий муҳитида тутган ўрни ва асарларининг таснифи баён этилган. “Ал-Фикҳу-н-нофеъ” асарининг ёзилиш услуби ва манбалари ёритилиб, кўлёзма нусхаларининг кодикологик таҳлили амалга оширилган ҳамда манбага ёзилган шарҳларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Шунингдек, асардаги оилавий муносабатларга оид масалалар ёритилиб, манбанинг замонавий ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг “Манбага ёзилган шарҳларнинг хусусиятлари” бандида асарнинг машҳур шарҳи “ал-Мустасфо” ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Унда Насафий “ал-Фикҳу-н-нофеъ” асарини устози Ҳамидуддин Али Ромуший Бухорийдан таҳсил олгани ва устози айтган дарсларни жамлаб, китоб таълиф этгани, кейинчалик ўз шогирдларига ҳам “ал-Фикҳу-н-нофеъ” асаридан дарс бериб, уни бошқа манбалар асосида шарҳ ва изоҳлар билан тартиблаб, “ал-Мустасфо” асарини ёзгани айtilган. Шунингдек, асарнинг ўзига хос услублари ёритилиб, манбалари ва иборалари ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Тадқиқотчи томонидан дунёнинг кўплаб кутубхоналарида сақланадиган “ал-Мустасфо” асарининг кўлёзма нусхалари аниқланган.

Абдуллоҳ Маллабоев томонидан 2018 йил чоп этилган “Абул Баракот Ҳофизиддин Насафийнинг “ал-Мустасфо” асари муҳим фикҳий манба” мақоласи салмоқли нашрлар сарасига киради[7].

Мақолада “ал-Мустасфо” асарининг аҳамияти, Насафийнинг ханафий мазҳаби фақиҳлари орасида тутган ўрни ёритилиб, асарнинг вужудга келиш сабаблари, кўлёзма нусхаларда келган турли номлари ҳақида маълумотлар берилган. Мазкур асар Насафийнинг фикҳ соҳасида ёзган бошқа асарлари учун пойдевор вазифасини ўтагани, бошқа асарларига ҳам “ал-Мустасфо”дан иқтибослар келтиргани айтиб ўтилган. Асарнинг муҳим фикҳий манбалардан саналиши сабабини – тадқиқотчи унда фикҳий далилларга алоҳида урғу

берилгани, далил келтириш услублари аниқ баён қилингани ҳамда масалаларнинг асл негизи очиб берилгани билан изоҳлайди. Шунингдек, муаллиф асардаги масалалар ва унга боғлиқ вазиятларни чуқур таҳлил қилиб, савол-жавоб тариқасида мантиқий-фаразий қоидалардан ҳам самарали фойдаланганини баён қилган.

Хулоса қисмида олимлар “ал-Мустасфо” дан кенг истифода этиб, ўз асарларида иқтбослар келтирганларини айтиб, шунга қарамай, бу асар бўйича юртимизда хануз тадқиқот ишлари олиб борилмаганини қайд этган. Шу боис, бу каби қўлёзма асарларни тадқиқ қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналишини айтиб ўтган.

Абдуллоҳ Муҳаммад Абдуллоҳ Исмоил 2012 йил Қоҳира шаҳрида Абул Баракот Насафийнинг “ал-Эътимод фи-л-эътиқод” шарҳини таҳқиқ қилиб, нашр қилди.

Асар 538 саҳифадан иборат бўлиб, муаллиф уни “Умдату-л-ақоид” китобининг шарҳи экани ва ақидага оид асарлигини айтиб ўтади. Муқаддима қисмида Насафийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ёритиб ўтилган. Асосий матн дунёнинг турли ҳудудларида мавжуд бўлган тўртта қадимий нусхаларини қиёслаш орқали тадқиқ қилинган.

2011 йил Мадинаи мунавваранинг “Дору-с-сирож” нашриётида Саид Бектош томонидан Абул Баракот Насафийнинг “Канзу-д-дақоик” асари таҳқиқ қилиниб, нашр қилинди. Китоб 723 саҳифадан иборат[8].

Асарнинг тадқиқот қисмида Абул Баракот Насафийнинг устозу шогирдлари, илмий сафарлари, асарлари, уламоларнинг унга берган таърифлари ҳақида маълумотлар келтирилиб, “Канзу-д-дақоик”нинг ёзилиш услуби баён этилган.

Тадқиқотда муаллиф “Канзу-д-дақоик” асарининг олтига қадимий қўлёзма нусхаларини солиштириш орқали асосий манбанинг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиб берган. Тадқиқотда ҳижрий 703 йилга оид Германия, ҳижрий 704 ҳамда 716 йилларга оид Ар-Риёд, ҳижрий 712 йилга оид Ирландия, ҳижрий 864 йилга оид Мадина ҳамда Миср нусхаларидан фойдаланилган. Муаллиф қўлёзма нусхаларидан намуналар келтириб, “Канзу-д-дақоик” асарига шарҳ ёзган юздан зиёд олимлар номини зикр қилган.

2008 йил Шамул Шаҳин томонидан Абул Баракот Насафийнинг “Манору-л-анвор фи усули-л-фикҳ” асарининг таҳқиқ қилинган замонавий нашри чоп этилди. Асар 597 саҳифадан иборат.

Муқаддима қисмида тадқиқотчи мазкур асарни усулу-л-фикҳга оид мухтасар ҳамда манфаатли бўлгани, уламолар бу асарга юқори баҳо бериб, мадҳ этгани, усулга оид кутубхоналар мана шундай асарларга эҳтиёж сезгани сабабидан ихтиёр қилганини айтиб ўтган.

Китоб икки қисм ва бир қанча бандлардан ташкил топган. Биринчи қисм тадқиқот қисми бўлиб, унда Абул Баракот Насафийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ёритилиб, асарлари ҳақида маълумотлар берилган. “Манору-л-анвор” асарининг аҳамияти, ёзилиш сабаби, муаллиф таянган манбалар, услуби, шарҳ ва таржималари баён этилган.

2008 йил Тошкент ислом университетида Махсудов Давронбек Рустамовичнинг “Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг тафсир илмида тутган ўрни” номли тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация ҳимоя қилинди[9].

Тадқиқотда Мовароуннаҳр тафсир илмининг ривожланиш тарихи, юртимизда яшаб, ижод этган муфассирларнинг илмий мероси ўрганилиб, насафлик олимларнинг диний илмлар ривожидида тутган ўрни тадқиқ қилинган. Абул Баракот Насафийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳамда “Тафсиру-н-Насафий” асарининг тафсиршуносликдаги ўрни баён этилган. Шунингдек, мазкур тафсир Абу Мансур Мотуридий, Имом Байзовий, Маҳмуд Замахшарий, Жалололдин Суьутий, Жалололдин Маҳаллий ва Ибн Касирнинг тафсирлари билан қиёсий ўрганилиб, асарнинг бугунги кундаги аҳамияти очиб берилган.

Диссертациянинг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, унда асардаги фикҳий, ақидавий ва замонавий талқиндаги ихтилофлар бўлган оятларни, масалан, “ихтилоф”, “жиҳод”, “халифалик”, “фирқаларга бўлиниш” каби тушунчаларни ҳанафийлик таълимоти асосида илмий тадқиқ этилган ҳамда мавжуд нотўғри қарашлару даъволарга Абул Баракот Насафийнинг тафсири асосида раддиялар берилган.

Тадқиқотда Насафийнинг “Мадорику-т-танзил ва ҳақоиқу-т-таъвил” асари илк бора тўла шаклда ўрганилгани, унинг био-библиографик манбаларда зикр қилинмаган “Доирату-л-вусул ила илми-л-усул” асари аниқланиб, илмий истифодага киритилгани, Насафий қарашлари асосида бугунги кун талқинида ихтилофлар бўлган оятлар илмий таҳлил қилингани ҳамда олимнинг оятларни шарҳлашда мотуридийлик таълимоти давомчиси ва ҳанафий мазҳаби ҳимоячиси экани илмий далиллар асосида очиқ берилгани каби янгиликлар баён қилинган.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб, 1987 йил Қоҳирада Иброҳим Абдушшафий Иброҳим томонидан “Абул Баракот Насафийнинг “Умдату-л-ақоид” китоби” номли магистрлик, 2011 йил Ироқдаги Бағдод ислом университетиде Аҳмад Абдулваҳҳоб Абдурраззоқ Аъзамийнинг “Абул Баракот Насафийнинг “ал-Эътимод фи-л-эътиқод” китобидаги услуби” номли докторлик, 2019 йил Қоҳиранинг Азҳар университетиде Абдуллоҳ Али Абулвафо Жадурроб томонидан “Абул Баракот Насафийнинг ақидавий қарашлари” номли докторлик ишлари ҳимоя қилинган[10]. Шунингдек, тафсир соҳасида машҳур “Мадорику-т-танзил ва ҳақоиқу-т-таъвил” асарининг бир қанча замонавий нашрлари ҳамда кўплаб мақолалар нашр этилган.

Хулоса қилиб айтганда, Абул Баракот Насафийнинг тафсир, ақида, фикҳ соҳасига оид асарлари нафақат ўз даврида, балки бугунги кун тадқиқотчилари томонидан ҳам кўп ўрганилган ва ўрганилиб келинмоқда. Аллома асарларидаги мавзуларнинг долзарблиги, машҳур ва ишончли манбаларга таянгани, ўқувчи учун тушунарли ва халқчил тилда, осон услубда ёзилгани боис аҳамиятли саналади.

Шундай экан, Абул Баракот Насафий асарларини ўрганиш, тадқиқ этилмаганлари устида илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бориш, замонавий нашрини амалга ошириш ҳамда келгуси авлодга унинг бой меросини танитиш лозим. Зеро, Насафий асарларидаги масалаларнинг долзарблиги бугунги кун учун ҳам ғоятда аҳамиятли ҳисобланади. Шундай экан, алломанинг ҳаёти, фаолияти, асарларини тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг моҳиятини очиқ бериш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатнома. <https://president.uz/uz/lists/view/3377>. (Mirziyoyev's 2017 address highlights the key socio-economic results of that year and outlines the priority development areas for 2018 in Uzbekistan. The address provides a strategic framework for the country's development, emphasizing economic modernization and social welfare reforms.)

2. Аҳмад Муҳаммад Саъд Ғомидий. Ал-Мустасфо (ибодат қисми): Фикҳ. фан. док. ... дис. – Макка: Умму-л-қуро, 2011. (Ahmad Muhammad Sa'd al-Ghamidi. Al-Mustasfa (Section on Jurisprudence/Ibadat). Doctoral dissertation in Jurisprudence (Fiqh). Makkah: Umm al-Qura University, 2011.)

3. Яҳё ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Алҳанаш Асирий. Ал-Мустасфо (Савдо бобидан китобнинг охиригача): Фикҳ. фан. док. ... дис. – Макка: Умму-л-қуро, 2012. (Yahya ibn Muhammad ibn Ahmad al-Hanash al-Asiri. Al-Mustasfa (From the Chapter on Commerce to the end of the book). Doctoral dissertation in Jurisprudence (Fiqh). Makkah: Umm al-Qura University, 2012.)

4. Ҳасан Увзар, Муҳаммад Жаба. Ал-Мустасфо фи шарҳи-н-Нофеъ. – Истанбул: Мактабату-л-иршод. 2017. (Hasan Uwzar and Muhammad Jaba. Al-Mustasfa fi Sharh al-Nafi'. Istanbul: Maktabat al-Irshad, 2017.)

5. С.Аҳмедов. Абу Баракот Насафийнинг Мовароуннаҳр ҳанафий фикҳи ривожига қўшган ҳиссаси (“ал-Вофий” асари асосида): Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2024. (S. Ahmedov. Contribution of Abu Barakat al-Nasafi to the Development of Hanafi Jurisprudence in

Mawarannahr (Based on the work "al-Wafi"). ABSTRACT of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences. Tashkent: International Islamic Academy of Uzbekistan, 2024.)

6. Мухтаров Б. Носируддин Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-Нофеъ” асари ҳанафий фикҳига оид муҳим манба: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2021. (B. Mukhtarov. Nasir al-Din al-Samarqandi's work "al-Fiqh al-Nafi'" as an Important Source of Hanafi Jurisprudence. Dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences. Tashkent: International Islamic Academy of Uzbekistan, 2021.)

7. Маллабоев А. Абул Баракот Ҳофизиддин Насафийнинг “ал-Мустасфо” асари муҳим фикҳий манба. // INFOLIB. – Тошкент, 2018. – №. 4. – Б. 68-69. (A. Mallaboev. "Abu al-Barakat Hafiz al-Din al-Nasafi's work al-Mustasfa as an Important Legal Source." INFOLIB, Tashkent, no. 4 (2018): 68–69.)

8. Абул Баракот Насафий. Канзу-д-дақоик. – Мадина: Дару-с-сирож, 2011. (Abu al-Barakat al-Nasafi. Kanz al-Daqaiq. Medina: Dar al-Siraj, 2011.)

9. Махсудов Д. Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг тафсир илмида тутган ўрни: Тар. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ТИУ, 2008. (D. Makhsudov. The Role of Abu al-Barakat al-Nasafi in the Science of Tafsir. ABSTRACT of the dissertation for the degree of Candidate of Historical Sciences. Tashkent: Tashkent Islamic University (TIU), 2008.)

10. Абдуллоҳ Али Абулвафо. Ал-имам Абу-л-Баракат ан-Насафий ва арауҳу-л-каламия. Ақида ва фалс.фан.док. ...дис. – Қоҳира: Азҳар, 2019. (Abdullah Ali Abulwafa. Al-Imam Abu al-Barakat al-Nasafi wa Ara'uhu al-Kalamiyya [Imam Abu al-Barakat al-Nasafi and His Kalam Views]. Doctoral dissertation in Theology and Philosophy. Cairo: Al-Azhar University, 2019.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000